

"Жиззахдонмахсулотлари"  
акциядорлик жамияти  
акциядорларининг 2014 йил 26  
сентябр кунги навбатдан ташқари  
умумий йиғилишининг қарори билан  
тасдиқланган.

**Жамият Кузатув Кенгаши**  
**тўғрисида**  
**НИЗОМ**  
(янги таҳрирда)

Жиззах шаҳри  
2014 йил.

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом билан "Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг (қуйида "Жамият") Кузатув кенгаши мақоми, шакллантириш ва фаолият тартиби, ҳар бир аъзонинг ваколатлари ва жавобгарлиги, кенгаш мажлисларини чақириш, ўтказиш ва қарорларини расмийлаштириш тартиби белгиланади.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги Қонунига ва акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ тузилган.

### II. Жамиятнинг кузатув кенгаши, унинг ваколат доираси, аъзолари ва раисини сайлаш ҳамда кузатув кенгаши мажлиси.

2.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

2.2. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига жамият ҳисобидан ҳар ойда республикада урнатилган энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорига ҳақ тулаб борилади.

2.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

2.3.1) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.3.2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ундан Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун 65-моддасининг [ўн биринчи қисмида](#) назарда тутилган ҳоллар мустасно;

2.3.3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.3.4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

2.3.5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

2.3.6) Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг [иккинчи хатбошисида](#) назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

2.3.7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.3.8) жамиятнинг ижроия органи раҳбари томонидан меҳнат шартномасида белгиланган вазифалари қўпол равишда бузилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 106-моддасида назарда тутилган ҳолатларда раҳбар ваколатини чеклаб ёки бекор қилиб, ўрнига бошқа вақтинча раҳбар тайинлаш. Бунда кузатув кенгаши белгиланган тартибда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилади.

2.3.9) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

2.3.10) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабригача кўриб чиқиб, кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун маъқуллаш.

2.3.11) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

2.3.12) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш.

2.3.13) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.3.14) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

2.3.15) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.3.16) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.3.17) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

2.3.18) жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

2.3.19) Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг [8](#) ва [9-бобларида](#) назарда тутилган ҳолларда битимлар, шунингдек қийматидан катъий назар жамиятнинг асосий воситалари ҳисобланадиган мол-

мулклар( транспорт воситалари, кучмас мулклар)ни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.3.20)жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

2.3.21)жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

**2.4.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган қуйидаги масалалар жамият кузатуви кенгашининг ваколат доирасига берилади:

2.4.1)жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

2.4.2)Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг [34-моддасига](#) мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

2.4.3)жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.4.4)қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.4.5)жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.4.6)ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

**2.5.** Жамият Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун кузатуви кенгашининг ваколат доирасига ушбу Қонун ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

**2.6.** Жамият кузатуви кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, жамият Устави ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган ушбу “Кузатуви кенгаши тўғрисида”ги низом асосида амалга оширади.

**2.7.** Жамият кузатуви кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. Жамият кузатуви кенгаши аъзоларини сайлаш.**

**3.1.** Жамият кузатуви кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатуви кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

**3.2.** Жамият кузатуви кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

**3.3.** Жамият директори жамият кузатуви кенгашига сайланиши мумкин эмас.

**3.4.** Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамият кузатуви кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

**3.5.** Жамият кузатуви кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади, бунда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатуви кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беради ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлайди.

**3.6.** Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатуви кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

**3.7.** Давлат вакили лавозимига кўра жамият кузатуви кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланмайди(қайта сайланмайди).

### **IV. Жамият кузатуви кенгаши раиси.**

**4.1.** Жамият кузатуви кенгашининг раиси кузатуви кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият кузатуви кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Овозлар тенг бўлиб қолганда, номзоднинг овоз сони ҳисобга олинади.

**4.2.** Жамият кузатуви кенгаши ўз раисини 4.1-бандда назарда тутилган тартибда қайта сайлашга ҳақлидир.

**4.3.** Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

**4.4.** Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

## **V. Жамият кузатув кенгаши мажлиси.**

**5.1.** Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда директор, бош хисобчи, ички аудитор ва тафтиш комиссияси хисоботларини эшитиш учун бир марта чақирилади.

**5.2.** Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларидан бирининг;
- Тафтиш комиссиясининг;
- Жамият ижроия органининг;
- Ички аудит хизмати бошлигининг;
- амалдаги қонунчиликда ва мазкур уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

**5.3.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисида кворум кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг 80(саксон) фоизини ташкил қилганда ўтказилиши мумкин бўлади.

**5.4.** Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг саксон фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақли бўлади.

**5.5.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун 18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича жами кузатув кенгаши аъзоларининг тўлиқ таркиби билан бир овоздан, қолган масалалар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**5.6.** Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

**5.7.** Жамият кузатув кенгаши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

**5.8.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

**5.9.** Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

**5.10.** Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Ушбу Низом акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлангандан сўнг, бир нусхада барча варақлари ип билан тикилиб, умумий йиғилиш раиси ва йиғилиш котиби томонидан имзоланади ва корхона юмолоқ муҳри билан тасдиқланади.